

3. Нурманов А.С., Юсупова Ф. Карақалпақстан шараятында жасларға экологиялық мәдениетлілікті қалыптастыруда география пәнін оқытудың әхмийеті. // «Илим хам жамийет». 2015, №1, 79-80-б.

4. Халық аўзынан жыйналған материаллар. ӨзРИАҚҚБ қол жазбалар фонды. Р-134.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақалада экологик муаммоларнинг олдини олишда ва бартараф этишда экологик маданиятни шакллантириш, халқ педагогикасининг ўрни катта аҳамиятта эғалиги баён этилган. Халқ педагогикасида маълум бир халқнинг маданияти ва маънавий тарбияси ўз ифодасини топади. Халқ ижодида экологик маданият кенг маънода тасвирланган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается вопрос значимости народной педагогики в формировании экологической культуры при предотвращении и решении экологической проблемы. В народной педагогике отражаются культура и духовное воспитание определённого народа. В народном творчестве широко освещается экологическая культура.

SUMMARY

The article considers the importance of folk Pedagogy in the formation of ecological culture, preventing and solution of environmental problems. Folk Pedagogy reflects the culture and spiritual education of certain particular people. Ecological culture is widely highlighted in the folklore.

ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ ВОСИТАЛАРИ ШАХС ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИДА МУҲИМ МАНБА СИФАТИДА

А.Досходжаева-катта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: экология, шахс, халқ педагогикаси, экологик маданият, тарбия.

Ключевые слова: экология, личность, народная педагогика, экологическая культура, воспитание.

Key words: ecology, person, national Pedagogy, culture of ecology, education.

Маълумки, инсон тирик мавжудот сифатида табиат фарзанди бўлса, ижтимоий шахс сифатида жамият фарзандидир. Инсоннинг вояга етиши ва камол топишида мана шу икки муҳит ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Унинг табиат фарзанди сифатида соғлом ўсиши, барвасталиги, танасининг бақувватлилиги, чидамлилиги бевосита табиий муҳитга, озиқ-овқатнинг етарлигига, қулай иқлим шароити ва бошқа кўпгина омилларга боғлиқлиги исбот талаб қилмайдиган ҳолатдир. У ўзининг нормал ўсиши, тараққиёти учун она табиатдан қулай табиий муҳитни талаб қилиши қонуний заруратдир. Аммо жамият бундай қулай шароитнинг доим ҳам барқарор бўлишига тўла йўл қўя олмайди. У табиатдан ўз эҳтиёжига яраша кўпгина нарсаларни ундириб тортиб олишга уринади. Бу эса бевосита экологик танглик, инқирозларнинг юзага келишига замин ҳозирлайди.

Экологик вазиятни меъёрлаштириш, унинг инсонга бўлган зарарли оқибатларини бартараф қилиш эса факат инсонларга ва уларнинг хатти-ҳаракатларига боғлиқлиги қадимдан маълум. Шунинг учун ҳам инсонни ҳал қилувчи омил сифатида қараб, унинг она табиатга муносабатини тубдан ўзгартириш, уни табиатни ўзгартирувчи, авайлаб-асровчи мавжудотга айлантириш жамият олдида турган муҳим вазифалардандир. Буни қатталар учун ҳам, болалар учун ҳам, ўсмирлар учун ҳам доимий машғулотга айлантириш зарур.

Айниқса, шундай бир шароитда ўқувчиларнинг экологик онги ва маънавиятини шакллантиришда қорақалпоқ халқининг бола тарбияси бўйича анъанавий қўлланлиб келаётган таълим-тарбия усулларида, халқ педагогикасига мансуб қарашлар ва тушунчалардан фойдаланиш, улардаги табиатга муносабатда қўл келадиган ибратли урф-одатларни болаларга сингдириш, экологик тарбияга хос, халқ оғзаки ижоди намуналарида муҳрланган қайдлар ва ҳолатлардан яхши фойдаланиш, мактабларда бошқа фанларда ўтиладиган мавзулардаги экологияга онд қарашлардан ижодий фойдаланиш ва шу тариқа экологик таълимда фанлараро интеграцияга эришиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярми инсоният тарихида “экологик муаммолар асри” сифатида қайд этилмоқда. Айни вақтда уларни бартараф этиш ва янги экологик хавфнинг олдини олиш умуминсоний мақсад ва ҳаракатнинг асосий йўналиши бўлмоғи керак. Бу эса ҳар бир ўқувчига-шахсга экологик онг ва маданиятни сингдиришни, уни ўз фаолиятида ижодий татбиқ эта олиш малакасини шакллантириш заруриятини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида: “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захиралар, умуммиллий бойлик ҳисобланиб, оқилона фойдаланилади ва давлат томонидан муҳофаза қилинади”, деб алоҳида қайд этилади.

Ўзбекистонда халқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган режа ва дастурлар унинг экологик жиҳатларига мос қилини асосий ҳисобланади.

Табиатдан оқилона фойдаланишда эҳтиёткорона ва масъулиятли муносабатда бўлиш давлатнинг энг асосий

талабларидандир ва бу Конституциямизда белгилаб қўйилган.

Шахснинг атрофдаги ижтимоий-табиий муҳитга масъулиятли муносабатини шакллантириш факат талабларга асосланмайди, балки ахлоқий муносабат намуналарини билишга, уларга баҳо беришга таянади. Бу ички жараён ўқувчининг хатти-ҳаракати ва кечинмаларининг ахлоқий, эстетик, ҳуқуқий ва бошқа мезонларини ўз ичига олувчи баҳолаш муносабатларининг шаклланишига олиб келади. Шу сабабли ўқувчида атроф-муҳитга масъулиятли муносабат экологик қарорлар қабул қилишга имкон берувчи турли таълимий ва ҳаётий ҳолатларда унинг бевосита иштироки билан шакллантирилади.

Экологик муаммоларни ҳал этиш уларни вужудга келтирган сабаблардан

хабардор бўлиш, уларни бартараф этишнинг самарали йўллари топиш ва энг мақбул чора-тадбирларни белгилаш билан бирга, ҳар бир шахснинг экологик билим ва фаолият кўникмаларига эга бўлишини тақозо этади.

Мактаб ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш мақсадида ўқув материаллини танлашда қуйидаги тамойилларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир: илмийлик, муҳимлик; маҳаллийлик; мақсадга мувофиқлик; умуминсоний қадриятларга асосланганлик; ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мослиги; амалий аҳамиятга эғалиги; умумлашганлиги. Ушбу тамойиллар асосида мактаб ўқувчиларида экологик билимлар қуйидаги босқичларда шакллантирилиши мумкин:

1. Экологик билимга кириш (маълум экологик омилларнинг долзарблиги, янги экологик йўналишдаги далилларни таҳлил этиб, энг муҳимларини аниқлаш).

2. Мавжуд экологик билимлар даражасини аниқлаш (дастлабки экологик билимлар ҳажмини аниқлаш, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда экологик билимлар ҳажмини бойитиш тўғрисидаги таклифларни илгари суриш).

3. Ўқувчиларда экологик билимларни умумлаштириш лаёқатини шакллантириш (дастлабки умумлаштириш, таққослаш, қиёслаш, далиллар асосида мавжуд тушунчалар моҳиятини чуқур аниқлаш).

4. Экологик билимларни янада ривожлантириш (ўқувчилар томонидан ижодий изланиш, мустақил ўқи-ўрганиш, кичик тадқиқотларни олиб бориш асосида янги экологик билимларнинг ўзлаштирилиши учун зарур шарт-шароит яратиш, мавжуд экологик билимларни бойитиш).

5. Ўқувчиларнинг экологик билим, кўникма ва малакаларга эғаликларини таҳлил қилиш орқали таълим сифати ва самарадорлигини яқини хулосалаш [6:25-26]

Бу билимлар ўқувчиларда бирданига ёки бир фан материаллари асосида шаклланмаслиги, фанлар орасида интегратив боғлиқлик уларнинг ноаниқ ёки тўла бўлмаган жойларини тўлдириши, ҳар бир босқичда ўқувчи минимум экологик билимларни ўзлаштириши ва улар юқори синфларга боргани сайин ушбу билимлар мукаммалаша боришини доим эсда тутиш зарур. Бу йўналишда тил ва адабиёт, физика, табиатшунослик, тиббиёт, география, химия каби табиий ва ижтимоий фанларнинг ўзаро алоқаси

ва материаллари мажмуавий равишда экологик билимларни шакллантириши кутилган натижаларни қўлга киритишга имкон беради.

Экологик билимлар ўрганилиш қўламини назаридан умумбашарий, минтакавий ва маҳаллий характерга эга. Қорақалпоғистон шароитида эса Орол ғажаси мактаб ўқувчиларига минтакавий, умумбашарий ғажаси сифатида тушунтирилиши ва тақдим этилиши керак. Ҳар бир ўқувчи эса экологик маданиятга эга бўлиши учун эса маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб фикр юритиши, ўзининг атроф-муҳитга муносабатини белгилаб олиши, ўзининг юриш-туриши, озода кийиниши, синф хонасини тоза тутиши, атрофдаги нарсаларга масъулиятли муносабатда бўлиши, мактаб ҳовлисидаги гулларга, мактаб атрофидаги дарахтларга, ўраб турган барча нарсаларга, мактаб жихозларига – барчасига масъулиятли бўлиши талаб этилади. Яъни оддийдан мураккабга нисбатан борилиши, маҳаллий экологик инкироздан минтакавий инкироз келиб чиқади ва у умумбашарий инкирозга, ғажасига айланиши мумкин.

Давлатимизнинг биринчи Президенти И.А.Каримов Орол ғажасини дастлаб минтака давлатлари Президентлари иштирокида ўтган конференцияларда регионал фалокат сифатида эълон қилди ва сўнгра уни МДХ уюшмаси доирасида қўлаларо фалокат сифатида, кейинчалик эса уни БМТ минбари Нью-Йоркда умумбашарий ғажаси сифатида эълон қилиб, жаҳон афкор оммасини ушбу ғажадан бохабар қилди ва жаҳон аҳлини унинг оқибатларини бартараф қилишга чақиради. Президентимизнинг ибратли бу жасорати оламшумул тарихий воқеа сифатида тарих зарваракларидан мустаҳкам ўрин эгаллади ва ўз халқи, Ватани, она табиати учун фидокорлик тимсолига айланиб улгурди.

Мактаб ўқувчиларини ҳам экологик муаммолардан аста-секинлик билан хабардор қилиб бориш ва уларнинг экологик маданиятини шакллантиришда узлуксизлик, изчиллик ва тизимли ёндашиш тамойилларига амал қилиш уни таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисмига айлантириш зарур.

Инсон экологик маданияти бирданига шаклланадиган ҳодиса эмас. Шу сабабли ҳам олимлар уни маълум бир кетма-кетликда, муайян босқичларда амалга оширадиган ҳодиса сифатида талкин қиладилар, яъни у: экологик онг – экологик билим – экотушунча – экотасаввур – экомуносабат – экофаолият – эконатижа – экомаданият тарзида ҳосил бўлади [4: 10].

Инсоният энг қадимги даврлардан бошлаб ҳозиргача ўзини мукаммаллаштиришга, табиат ва жамият талаб қилган барча заруриятларга, эҳтиёжларга ҳозиржавобликда тарбияланишга интилди. Ҳамма замонларда қомил инсон тарбияси жамиятнинг олий идеали бўлиб келган. Одамзод ўзини ва ўзининг барча наслларини бекаму кўст кўришга, жамиятда барча ҳавас қиладиган даражада олийжаноб, ғамхўр, муҳаббатга эга, ўзига раво кўрган нарсани бошқага ҳам раво кўрувчи ва аксинча, ўзига раво кўрмаганини бошқага ҳам раво кўрмайдиган, пок, ҳалол, одамохун, ибратли, мард, танги, саховатли, ҳуллас, барча яхши фазилатларга эга бўлган инсонни тарбиялашни орзу қилиб келган. Бу орзу барча замонларда, барча халқларда мавжуд бўлган байналмилал характерга эга орзудир. Шу сабабли ҳам баркамол авлодни тарбиялаш – халқ педагогикасининг лейтмотивидир, дейди этнопедагогика асосчиси Г.Н.Волков [5: 52].

Этнопедагогика асосчиси Г.Н.Волков халқ педагогикаси ёрдамида ўқувчилар ва болалар онгига экологик маданият ва тарбияни сингдиришнинг омиллари деб-табиатни, ўйинларни, сўзларни, меҳнат, алоқа жараёнларини, анъана ва санъат турларини ва ўрнат қилиб кўрсатиш зарур бўлган идеал нарса ва кишиларни кўрсатса ёш авлод онги ва гидрокига малака ва кўникмаларни сингдириш воситаси сифатида – мақол ва маталларни, меҳнатсеварликка тарбияловчи мақолларни, мақолларнинг кўп маъно беришининг педагогик томонларини, топишмоқларни, халқ қўшиқларини, аллаларни, болалик ва ўсмирлик даврлари қўшиқларини, эртақлар ва уларнинг педагогик ҳоссаларини ва ҳоказоларни киритади. Дарҳақиқат, халқ педагогикасининг тарбиявий намуналар ҳеч бир ерда халқ оғзаки ижоди намуналаридек ўз ифодасини топмаган. Халқ оғзаки ижоди халқ педагогикаси тарбиявий воситалари ҳазинасидир.

Халқ педагогикасининг халқ фарзандларини тарбиялашнинг энг муҳим воситаси халқ мақол ва маталлари, ҳикматли сўзларидир. Улар асрлар оша халқ тажрибаси асосида пайдо бўлган. Унинг донолиги, топқирлиги, донишмандлиги меваси бўлган, инсоният ҳаётига тегишли ҳар хил мазмундаги ва турли-туман фаолият турларига хос бўлган ихчам, маъноли ва бадий тарзда ифодаланган халқ оғзаки ижоди намунасидир. У инсоният ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади ва уларни Қ.Максетов таъкидлаганидек “инсон учун ақл-насихат кодекси деб аташ мумкин” [8:152].

Улар халқ сўзлашув тили пайдо бўлиши билан пайдо бўлган ва ўша халқнинг ҳаёт тарзи, дунёни таниши, дунёқараши, ҳар бир тарихий даврга хос идрок онги, урф-одатлари, яшилик, ёмонлик, гўзаллик ҳақидаги фалсафий қарашлари, инсонларга хос бўлган адолатлилик, саховатлилик, зикналик, кенг феъллилик, тор кўнгиллилик, ақлу фаросатлилик, донолик, аҳмоқлик, сабрлилик, бесабрлик, меҳнатсеварлик, ялқовлик, дўстлик, душманлик, ҳамжихатлик, уюшқоқлик парокандалик каби ҳислатларининг ихчам, кўркем, топқирлик билан ифодаланишидир. Халқ мақол ва маталлари, ҳикматли сўзлари асрлар оша халқнинг энг муҳим тарбия қуроли, инсон экологиясининг хал қилувчи воситаси, унинг ҳаётини тўғри йўлга солиб турувчи инсоний мезонидир. Бу халқ педагогикасининг туганмас ҳазинаси бўлиб сон-саноксиз авлод-аждодларни атроф-муҳитни, оламни, инсон учун керакли бўлган табиат неъматларини авайлаб-асрашга, эҳтиёткорлик билан фойдаланишга ўргатиб келган. Инсон – жамият-табиат триадасининг ўзаро мувозанати инсон фаолиятига боғлиқ. Инсоннинг маънавий маданияти экологик маданиятнинг юзага келишига, унинг онгли ҳаёти атроф-муҳит саранжомлиги ва тартиблилигига сабабчи бўлади. Бу саранжомлик ва мувозанатлашган тартиб инсоният ҳаёти фаровонлигига олиб келади. Зотан, Мустақил Ўзбекистонимиз миллий ғоясининг бош мақсади-Ватан раънақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигидан иборат бўлиб [2:72], бу бош мақсадни амалга оширувчи ягона куч – қомил инсондир. Қомил инсон тарбияси ва ўқувчиларни она Ватанга, атроф-муҳитга, она Заминга ҳайрихоҳ, ғамхўр инсонлар этиб тарбиялаш учун эса Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов айтганидек “Маънавий ва ахлоқий покланиш, имон, инсоф, динат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди. Ҳаммасининг заминиди тарбия ётади” [3:432].

Мактаб ўқувчиларини ушбу фазилатлар эгаси қилиб тарбиялашда эса қорақалпоқ халқ педагогикаси воситаларидан бири мақол ва маталлар, ҳикматли сўзлар ёрдамида тарбиялашдир.

Юз жилдлик “Қорақалпоқ фольклори” нинг IV жилди Қорақалпоқ мақол ва маталларига бағишланган. Улар 7та туркумга бўлиб берилган.

1. Меҳнат ҳақидаги мақол ва маталлар.
2. Ижтимоий ахлоқ меъёрлари, ақл-насихат характеридаги мақол ва маталлар.
3. Ватан, эл-халқни севиш ва ҳамжихатлик, дўстлик ҳақидаги мақол ва маталлар.
4. Йил фасллари ва табиат манзаралари ҳақидаги мақол ва маталлар.
5. Дин ва маъмурий бошқаришга қарши қаратилган мақол ва маталлар.
6. Янги мақол ва маталлар, афоризмлар шоирларнинг дидактик мисралари.
7. Терма ва тўқима шеърлар [7:18].

Биз ўз ишимизда инсон экологиясига, унинг табиат ва жамиятдаги муносабатларига мулоқотларига бевосита мос келадиган мақол ва маталларни, ҳикматли сўзларни танлаб олишни маъқул кўрдик. Чунки фақат уларгина инсоннинг ички ва ташқи ҳаракатини, ботиний ва зоҳирий олами, уларга хос таълим-тарбия йўналишини оптимал тарзда акс эттира олади.

Ижтимоий ахлоқ қондалари – яхшилик, ёмонлик, ор-номус, уят, кўркинч, қувонч, рост, ёлгон, игво, ҳасад, шухба, ўғрилиқ, тўғрилиқ, мардлик, номардлик, ваъдага вафо, вафосизлик, ақллиқ, ноданлик, хушмуомалалиқ, қамтарлик, қувуллиқ, пасткашлиқ, кўпни кўрганлик, қалтабинлик, зийраклик, ғамх-фаросатсизлик, ҳурмат, одобилиқ, беодобилиқ, бойлик, қамбағаллик, мактанчоқлик, эзмалиқ, гўзаллик, хунуқлик каби

инсонларга хос бўлган ижобий ва салбий хислатлар бўйича ибратли мақоллар ўйлаб топилган ва улар халқни, болаларни яхши фазилатлар руҳида, улардаги ички ва ташқи гўзалликни камол топтиришга, атроф-муҳитга онгли ва маданиятли муносабатда бўлишга ундаган ва шу руҳда тарбиялаган. Масалан: “Бирдин кесапаты мыңға тийеди”(Бирнинг касофати мингга тегади) “Қорыққанға қоса көринеди”(Қўрққанға қўша қўринар), Жаў жағадан алғанда, йит етектен алады (Душман ёқадан олса, ит этақдан олади), Аңламай сөйлеген, аўырмай өледі (ўйламай сўзлаган оғрмай ўлар), “Қайыр етсең пүтин ет, жарты қайыр жараспас” (Яхшилик қилсанг бутун қил, ярим яхшилик жарасмас), “Айтқан сөз-атылған оқ” (Айтқан сўз-отилған ўқ), “Олимнен уят күшлі”(Ўлимдан уят зўр), “Таўды тасты жел бузар адамзатты сөз бузар”(Тоғни ташни ел бузар, инсонни сўз), “Ақыл жастан шығады, ҳасыл тастан шығады” (Ақл-ёшдан, олтин-тошдан), “Ақыллы жигит ел қорыйды, ақмақ жигит ел қорлайды”(Ақли йигит ерни химоя қилади, ақмақ йигит элни хўрлайди), “Суў менен ойнама батарсан, от пенен ойнама өшерсен”(Суў билан ўйнама ботарсан, ўт билан ўйнама йўқ бўларсан), Ҳақ жолды тапта айрылма, ҳадаллық қалар мәңгиге (Тўғри йўлдан айрилма, ҳалоллик мангуликдир) қабилар.

Она-оналар, урф-одат тўғрисидаги мақоллар: “Ананың кеўли балада, баланың кеўли далада” (Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада), “Қеде мәнис қайтарыў, ўеде мәниси атқарыў”(Урф-одат маъноси қайтармоқ, ваъда маъноси вафо) қабиларда инсонлар ўртасидаги муносабатлар ҳайратланарли даражада топқирлик билан ифода этилган.

Халқнинг Она-Ватанга, халққа элга муҳаббати қатор мақолларда ўз ифодасини топган: “Қус қанаты менен”, адам елаты менен (Қуш қаноти билан, одам эли билан), “Туўған жер-алтын бесик”(Туғилган ер - олтин бешик), “Жери

байдың-ели бай”(Ери бойнинг-эли бой), “Айрылған ел азады, бириккен ел озады” (Тарқоқ эл йўқ бўлади, бирлашган эл юксалади) каби.

Қорақалпоқ халқининг урф-одатлари, анъаналари ҳам бошқа халқлар урф-одатларидан ажралиб туради. Улар ҳам дўстликка, ҳамжихатликка чақириш, анъаналарга содиқлик руҳида тарбиялаш билан бирга инсонни мукаммаллаштириш, уларнинг халққа, атроф-муҳитга, Ватанга бўлган муҳаббатини ошириш, инсон экологиясининг туб негизларини муҳофаза қилишга ундайди ва ўқувчиларда шундай туйғуларни ўйғотишга хизмат қилади. Буларга: “Биреўдин дузын ишсең, ўйине кел-де, қазан-ошағынды сазлай бер” (Бировнинг тузини ичсанг, уйинга келиб, қозон-ўчоқни созла).

Қорақалпоқ халқи кўп касблар орасида чорвачилик, дехқончилик, балиқчилик каби касбларни эъзозлаган ва улар тўғрисида кўп ажойиб мақоллар келтирган. Улардаги турли хил маъно жилвалари, ҳар хил семантик маънолар қуйидагиларда намоён бўлади: “Жер айдасаң гўз айда, гўз айдамасаң жүз айда” (Ер хайдасаң қуш хайда, қуш хайдамасаң юз хайда), “Жайлаўы отлы болса, малы сўгли болады (яйлови ўтли бўлса, моли сўгли бўлади)” ва х.к.

Ҳамма замонларда меҳнатсеварлик, касб-хунар ўрганишга интилиш, унинг машаққатларидан қўрқмаслик, меҳнат билан қўлга киритилган хунар, касб, фазилат, яхши хусусиятлар ҳар қандай бойликдан қадрли, олтиндан ҳам қиммат нарсаси эканлигини билдирувчи мақол ва маталлар ўқувчиларнинг қомил инсон сифатида тарбияланишига, уларнинг экологик тарбиясига қатта таъсир қилиши олимлар, педагоглар томонидан таъкидланган. Уни ўқувчилар онгига синдириб бориш уларнинг маданиятли, онгли инсонлар бўлиб камолга етишига ёрдам беради.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: 1998. 2-б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: “Ўзбекистон” 2008. 72-б.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон Мустақилликка эришиш оstonасида. -Т.: “Ўзбекистон” 2011. 432-б.
4. Бозорова Н.Ш. Талабаларда экологик маданиятни шакллантиришнинг илмий-педагогик асослари (олий ўқув юртлири мисолида). Номзодлик дисс.автореф. -Т.: 2006. 10-б.
5. Волков Г.Н., Баубекова Г.Д. Основы народной педагогики. -Т.: “Фан” 2000. 52-б.
6. Жуманова Ф.У. “Касб-хунар коллежлари ўқувчиларида экологик маданиятни шакллантириш (география таълими мисолида)” Пед.фан.номз. дисс... -Т.: 2010. 25-26б.
7. Қорақалпоқ фольклори. -Нөкис.: 1978. 1У т. 18-б.
8. Максетов Қ. Қарақалпақ халқининг кўркем аўызеки доретпелери. -Нөкис: “Билим” 1996. 152-б.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада шахс маънавияти, экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари ҳақида маълумотлар келтирилган. Ўқувчиларни экологик билимлар, экологик тарбия билан қуроллантириш, уларда табиат ва атроф-муҳитга нисбатан ахлоқий муносабатларини таркиб топтириш, оқилона экологик ҳатти-ҳаракатларни ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш ҳақида тўхталиб ўтилади.

РЕЗЮМЕ

В статье приводится информация о духовности личности и решении экологических проблем. Отмечается важность обеспечения учеников экологическими знаниями, эковоспитанием, формирование у них этического отношения к природе и окружающей среде, выработка навыков организации разумного экологического поступка.

SUMMARY

The article contains the information about a person's spirituality and solution of ecological problems. The author emphasizes the importance of providing students with ecological knowledge and education, forming the ethic attitude to nature and environment, working out the skillful organization of conscious ecological activity in them.

МИЛЛИЙ ҚУРАШ ОРҚАЛИ ЁШЛАРДА МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ Б.К.Еримбетов – ассистент ўқитувчи

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: жисмоний тарбия ва спорт, саломатлик, миллий қураш, миллий хусусият, ривожланиш, тарбия.

Ключевые слова: физическая культура и спорт, здоровье, национальная борьба, национальные особенности, национальная гордость, развитие, воспитание.

Key words: physical training and sports, health, national struggle, national features, national pride, development, education.

Мамлакатимизда спорт соҳасига алоҳида эътибор қаратилаётганлигининг асосий сабабларидан бири шундаки, болалар ва ўсмирларни жисмоний жиҳатдан баркамол маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш бугунги кун давлат дастурининг асосий мазмунини ташкил этади. Чунки, келажак авлодлар тақдири бугунги соғлом кишиларимизнинг маънавий ва жисмоний баркамоллиги билан боғлиқдир. Бу борада мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғломлигини мустаҳкамлаш, фарзандларимизнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш, уларда спортга муҳаббат туйғуларини кучайтириш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини самарали ўтказишга, шунингдек спорт соҳасида малакали

мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Болалар спортининг ривожига келажак ёшларининг жисмонан, руҳан ҳамда соғлом тарбияланишининг муҳим гаровидир. Бу эса фарзандларимизнинг келажакда ҳар қандай замонавий технологияларга асосланган билимларни ўзлаштиришда қаршилиқларга учрамаслигини таъминлайди. Чунки биз инсоният тарихида унутилмас бурилиш палласи илм-фан, техника ва технология тараққий этган ХХI асрда яшамокдамиз, қолаверса, юртимизда ҳукукий демократик давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёни изчиллик билан амалга оширилмоқдаки, буни биз бугунги кунда олиб борилаётган ҳар бир эзгу амаллар замирида яққол кўришимиз мумкин.